
Миллий кутубхона ташкил этилди

Риштон тумани Носгар МФЙда яшовчи устоз - Эргашев Ҳусанбойхожи ота уйларида Миллий Кутубхона ташкил этилди. Ташкил этилган кутубхонага Риштон тумани ҳокими С. Солиев, туман маънавият ва маърифат бўлинмаси вакиллари, МФЙ фаоллари, риштонлик устоз олимлар, нуруний отахонлар ташриф буюришди. Шинам ва дилкаш, одамни руҳиятини кутарувчи мўъжазгина кутубхонада зиёлилар ўртасида китобхонлик тўғрисида баҳс -мунозаралар ўтказилди. Ҳазалхон устозларимиз барча иштирокчиларда катта таассуротлар қолдирдилар. Туман ҳокими С. Солиев ташаббуси билан ҳар ойнинг охирида шундай баҳс-мунозара доимий равишда ташкил этилишига келишиб олинди.

2021-05-12 05:28:36